

СОҒЛОМ БОЛА КЕЛАЖАК УМИДИ

Халқимизда касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган яхши, деган нақл бор. Шунинг учун мамлакатимизда профилактик тиббиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буни Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур шифо маскани 421 ўринга мўлжалланган. Бу ерда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Жумладан энг замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар келтириб ўрнатилган.

Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларни янада такомиллаштириши бўйича берган кўрсатмаларига асосан вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиши, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг малакаси ва маъсулиятини ошириш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2019 йилда 46 нафар шифокор мутахассис малака оширган бўлса, шундан 3 нафари чет эл, яъни Россияда малака ошириб келган.

Таъкидлаш лозимки, Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Тўлқин Расулов ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси вилоят ҳудудий бўлинмаси раиси Шоира Набиева 2019 йил 23-28 сентябрь кунлари Россия Федерациясига ташриф буюрди. Ташриф давомида вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси вилоят ҳудудий бўлинмаси ва Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ставрополь давлат тиббиёт университети ўртасида уч томонлама ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ушбу меморандумга асосан 2020 йил март ойида марказда Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ставрополь давлат тиббиёт университети томонидан "Нефрология" бўйича онлайн тарзда сайёр цикллар ташкил этилди.

Мустиқилликнинг илк кунларидан бошлаб барча соҳаларда катта ўзгаришлар рўй берди. Янгилик ва қулайликларни бирма-бир кўз олдимиздан ўтказасак, кеча билан бугунни холис туриб солиштирсак, замон тараққиётини эътироф эта олсак, тан олайлик мисол учун биргина соғлиқни сақлаш тизимидаги улкан ўзгаришларга ҳар биримиз гувоҳмиз, - дейди марказ раҳбари Тўлқин Расулов. - Айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизimini тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғри-



сида"ги фармони мамлакатимиз тиббиёти тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан ривожлантириш ва янгилашга қаратилган кенг қамровли лойиҳалар жорий қилинмоқда.

Вилоятлар ва туманлар марказларида янги шифокорлар барпо этилмоқда. Соҳадаги соғлом рақобат тиббий хизматнинг янада яхшиланишига хизмат қилмоқда. Қад ростлаган барча қулайликка эга шифо масканлари чет элдан келтирилган замонавий тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар, доридармонлар билан узлуксиз таъминланиб келмоқда. Энг муҳими, оғир хасталикка



чалинганлар эндиликда чет элларда сарсон бўлиб юрмайди. Энг қийин мураккаб операциялар ҳам шифохоналаримизда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда марказимизда мураккаб юқори технологик жарроҳлик амалиётлари "Чанок-сон бўғимларида эндопротезлаш", "Узун найсимон суюқларда БИОС амалиёти", "Каротид эндартерэктомия ва профундопластика (классик, эверсион усулда) ишемик инсультнинг олдини олиш", "Артерио-веноз фистула ўрнатиш" операцияси (гемодиализ оладиган беморларга), "Бошни иккала тепа соҳасидаги суюқ етишмовчилигини протокрил билан ёпиш операциялари", "Бош мия пешона соҳасидаги ўсмаларини олиш", "Оттопластика", "Увиллопластика" операциялари бажарилмоқда.

Марказда тегишли ихтисослашган тиб-

хатлар беришади. Туман шифохоналарига ётқизилиб, даволанса у ерга йўналтирилади. Ундан ташқари маслаҳат поликлиникасида тиббий кўридан ҳам ўтказилади. Маслаҳат поликлиникасида 32 нафар ўз касбининг фидоий шифокорлари фаолият юритишади. Поликлиникада замонавий ускуналар бор. Хусусан, 2 та стационар ўлтраовуш аппарати, 16 каналли ЭЭГ, 3 каналли ЭКГ аппарати билан таъминланди. Бундан ташқари бу ерда тажрибали окулист, стоматолог ва бошқа шифокорлар эл хизматига шай.

Кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази томонидан вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги болалар шифохоналарига услубий-амалий ёрдам кўрсатиш доимиий йўлга қўйилган. Айниқса, вилоятнинг олим кишлоқларидаги қишлоқ врачлик пунктларига болалар саломатлигини муҳофаза қилиш-



бий хизматларни, шу жумладан юқори технологик тиббий ёрдамни олишда имтиёзли ва болаларни алоҳида ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғи орқали шифокор қабулига масофадан электрон ёзилиш яъни автоматлаштирилган ахборот тизими ишга туширилди. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг маслаҳат поликлиникаси рўйхатга олишдаги тиббий ходимлар ва беморлар билан ишлайдиган шифокорларнинг иш жойларини юқоридаги тизимга мослаштириш мақсадида компьютер жиҳозлари ва термопринтерлар билан таъминланди. Шифокорларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимидан тўлақонли фойдаланиш мақсадида локал хизматлар тармоқлари яратилди. Электрон навбатни бошқариш

ни яхшилашда амалий ёрдам кўрсатилаётир.

Марказ томонидан ижтимоий муассасалар тарбияланувчиларининг саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, марказ мутахассислари туманларда тиббий кўриқлар ўтказиб, болалар ўртасида касалликларнинг олдини олиш, барвақт даволаш ишлари тўғрисида болалар ўлими кескин камайди. Даволаш ишларидаги сифатнинг яна бир кўрсаткичи - вилоятдан республика марказий тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган беморлар сони ўтган йилларга нисбатан анча камайди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, нафақат ушбу тиббиёт марказида балки вилоятдаги барча тиббиёт масканларида яратилган бу каби қулайликлардан қўзланган энг асосий мақсад ҳудуд аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, одамларнинг ҳам вақтини, ҳам нақтини тежаш, оворагарчилигини камайтиришдир.

Гулзода ШОДМОНОВА



КАДАСТР СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР..

Давлат хизматлари кўрсатиш тизими янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 2 сентябрь куни "Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида" ги 535-сон қарорини қабул қилди.

Унга кўра кўчмас мулк объектига кадастр паспортини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди. У юридик ва жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк объектиларини расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди. Кадастр паспортини расмийлаштириш муддатлари ҳам қисқартирилди.

Тасдиқланган бошқа маъмурий регламент ипотека ва ипотека тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибига солади. Мазкур регламентда назарда тутилган, қонун асосидаги ипотекани вужудга келтирадиган кредит шартномаси ёки

қарз шартномаси уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос ҳисобланади. Ипотека алоҳида ариза берилмасдан ва рўйхатдан ўтказилганлик учун йиғим ундирилмасдан рўйхатдан ўтказилади.

Шунингдек куйидагилар бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентлари қабул қилинди:

юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларини уларнинг ари-



залари асосида ижарага бериш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш; ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) тўғрисидаги келишувни давлат рўйхатидан ўтказиш; фуқароларнинг номида шахсий турар жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат хизматлари агентлигига бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда регламентларни давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграциялаштиришни ва ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Кашқадарё вилоятида ҳам соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ўз амалий исботини топмоқда. Жумладан, вилоятда космик, аэрофото суратлар ва ортофотопланлардан фойдаланган ҳолда Республикамаиз маъмурий ҳудуддаги ер фондини 8 та тоифасига тегишли 2 миллион 278 минг гектар ер майдони хатловдан ўтказилди.

Айни пайтда эса ушбу ерларни миллий геобаҳорот (геопортал) тизимига ки-

ритиш ишлари олиб борилаётган.

Айтиш жоизки, коррупцияни олдини олиш мақсадида соҳада куйидаги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда барча хизматлар Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали йўлга қўйилди. Фуқароларнинг кадастр идораларига келиши кескин камайди.

Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш муддатлари ва нархлари бўйича регламентлар ишлаб чиқилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ер участкаларини ажратиш онлайн аукцион орқали амалга оширилиши белгиланди.

310 та 11,42 гектар бўш турган ер майдонлари очик электрон харита (E-kadastr.uz сайт) га жойлаштирилган. Сабабсиз қайта кадастр қилиш ва техник кадастр қилиш бекор қилинди. 31 миң 212 та юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк ва фойдаланишда бўлган ер участкаларига кадастр паспортлари тайёрлаб берилди. 18 миң 78 та кўчмас мулк ва ер участкаларига тўғрисидаги ҳуқуқлар ҳамда кўчмас мулкка оид тузилган битимлар давлат рўйхатидан ўтказилди.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12 - 13 ноябрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи доғамида Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигига Қашқадарё вилоятида ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ялпи хатловдан ўтказиш топшириғи берилган бўлиб, айни кунларда хатлов ишлари олиб борилаётган.

Жумладан, Кадастр агентлиги, Давлат кадастрлари палатаси Қашқадарё вилояти бошқармасининг Қасби тумани бўлими томонидан 2021 йил январь ҳолатига кўра туман ҳудудида жами 965 та фойдаланувчи бўлиб, ҳозирги кунда фойдаланувчи йиғма жилдлар шакллантирилган. Шундан 155 таси деҳқон хўжаликлари, 744 таси фермер хўжаликлари, 66 таси МЧЖ. Шунингдек, ташкилотлар 965 та фермер ва деҳқон хўжаликлари 65 миң 831 га. ер майдонини ташкил этади.

Г.ШОДМОНОВА



ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАР

Оила ҳар бир мамлакатнинг асосий негизи эканлигини инобатга олсак, табиийки, унинг муштаҳкамлиги жамиятнинг тараққиёти билан боғлиқ. Бутун дунёда давом этаётган оилавий инқироз Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Афсуски, бу масалада ота-оналари қатори ёшларнинг ҳам улуши кўпроқ.

Ёшлар ташкилоти ва қатор мутасаддилар томонидан ўтган даврда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, улар ўртасидаги ажрим ҳолатларининг олдини олиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилаётганига қарамай, ҳануз бу соҳадаги муаммоларимиз етарлича.

Бунга ёш оилалар вакилларининг никоҳга бўлган масъулиятсизлиги, фарзанд тақдирига бўлган лоқайдлик бир сабаб бўлса, ёш оилаларга маслаҳат бериб, уларга бош бўлиш ўрнига гурур ва кибрга берилган, боласининг айбларини хаспўшлайдиган ота-оналардаги шошқалоқлик яна бир сабаб бўлмоқда.

Жумладан, бекфарзандлик, хиёнат, моддий таъминот даражаси пастлиги, ишсизлик, ичкиликбозлик, ички ва ташқи миграция, касаллик, уй-жой масаласи боғлиқ муаммолар ҳам эндигина курилган муқаддас кўрғонларни жар ёқасига етакламоқда. Аслида оила ҳақидаги қадриятлар ёшлар онгига болалиқданок сингдирилиши керак.

Машхура МУҲАММАДИЕВА,
Яккабоғ туман ФХДЭ мудираси

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Қарши шаҳридаги 32-умумий ўрта таълим мактабида ҳам "Янги Ўзбекистон - мактаб оstonасидан бошланади", - деган ғоя асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга эътибор қаратилмоқда.

Илгари Исмат Шукуров номли мактаб биноси 1 миң 124 нафар ўқувчига мўлжалланган. Ушбу мактабни 1990-2004 йилларда биринчи раҳбар сифатида Гулсара Раимова, 2004-2012 йиллари Марҳаб Самадова, 2012 йилдан ҳозиргача Иброҳим Равшанов бошқариб келмоқда. Дастлаб 37 нафар педагог 500 нафар ўқувчига дарс берган. Мактаб директори Г.Раимова, директор ўринбосарлари Ш.Каримов, М.Тоҳиров, фан ўқитувчилари М.Шукурова, Ш.Пўлатов, З.Равшанова, М.Луқмонова, Ч.Ҳамдамов, С.Убайдуллоев, С.Бобоєва, Д.Мирзаев, З.Мирзаева, А.Қиличова ва М.Самадоваларни маҳоратли педагоглар десак муболага бўлмайди. Мактабда бугун 90 нафар педагог, 1 миң 73 нафар ўқувчига таълим-тарбия бермоқда. Шаҳардаги "Зоза", "Қўрғонча", "Наврўз", "Узумзор" маҳаллаларида яшовчи ўғилқизлар шу мактабда ўқишади. Мактаб директори Иброҳим Равшанов, ЎТИБДУИ Д.Муҳиддинова, ММИБДУИ Н.Каримов, ВСЎТИБДУИ С.Қодировалар ўз фаолиятларини намунали тарзда ташкил этмоқдалар. 2020 йилда ўтказилган "Энг яхши видеодарс" кўрик-танловида Ш.Шарапова, Г.Ҳамраева, З.Муҳамедов, Ч.Радажова, Г.Абдуллоева, Н.Раҳимова, Д.Худойбердиева, Ю.Баратова каби ўқитувчилар вилоят, шаҳар миқёсида фахрли ўринларни эгаллашди. Чет тили фани ўқитувчиси Анаора Зиёдова ўз ўстида тинмай изланади. У ҳозирда таълимнинг магистратура босқичида тахсил олмақда. Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси З.Муҳамедова "Энг яхши веб сайт" кўрик-танловида 2-ўринни эгаллади, ҳозирда ую tube платформасида ўз каналига эга. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Феруза Нунова фаоллиги учун "Ўқитувчи" каналининг сертификатига эга бўлибди. Иқтидорли ўқувчилар фан олимпиадаларида яхши натижага эришиб келмоқда. Жумладан, Фарангиз Юлдошева "Зулфия" номидаги давлат мукофотининг республика босқичида 2-ўринни, Технология фани ўқитувчиси А.Аминов бошчилигида бир гуруҳ ўқувчилар "Чилангарлик санъати" бўйича ўтказилаётган танловларда фахрли 1-ўринни эгаллаб келишмоқда. 7-синф ўқувчиси Элбек Каримов ўзи ёзган шэърлари ёзилган видеороликларини ую tube каналида оммалаштирамоқда. 6-7 синфлар учун физика фанидан ўтказилган "Ал-Фраганус" онлайн олимпиадасида иштирок этган Г.Жалолова сертификат билан тақдирланди.

Зеро, таълим-тарбия муҳим масала, мозийга қайтиб иш кўрмоқ эса хайрлидир.

Гулнора ҲАМРОЕВА,

Қарши шаҳар 32-умумий ўрта таълим мактаби тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси

Огоҳлик Одам савдоси - инсон эркинлигига таҳдид

Одам савдосидан жабранганларнинг кўпайиб бораётганлиги, биринчи навбатда фуқароларимизда ушбу йўналиш бўйича ҳуқуқий билимларининг етишмаслигидан дарак берса, иккинчи тарафдан уларда бу жиноятга қарши курашишда муросаси бўлиш каби тушунчаларни тўлиқ шакллантиришга алоҳида эътибор беришни тақозо этмоқда.

Сенат олтинчи ялпи мажлисида янги таҳрирдаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида" ги қонунни маъқуллади. Қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиш зарурати бугунги кунда одам савдосидан жабранганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш масалаларига доир аниқ қоидалар тартибга солилмаганлиги ҳамда вояга етмаганларнинг савдосига қарши курашишни ўзига хос хусусиятлари, шу жумладан, идентификация қилиш, ёрдам бериш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий мақоми белгиланмаганлиги билан изоҳланади.

Янги таҳрирдаги Қонунда ана шу жиҳатлар эътиборга олинган. Жумладан, соҳага оид асосий тушунчалар ва тамойиллар, уни давлат томонидан тартибга солишга оид нормалар, ваколатли давлат органлари, Миллий комиссия, ҳудудий комиссиялар ва Миллий маърузачига оид меъёрлар аниқ белгиланган.

Маълумки, ҳозирги кунда республикада 9 миңдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатса, уларнинг 100 га яқини одам савдосига қарши курашиш борасида иш олиб бормоқда. Қонунда мазкур йўналишга доир фаолиятни амалга ошираётган давлат органларига кўмаклашувчи ташкилотлар қаторида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам белгиланиб, уларнинг ваколат ва вазифалари аниқ очиб берилмоқда.

Шу билан бирга, амалдаги Қонундан фарқи ўлароқ янги таҳрирдаги Қонунда одам савдосидан жабранганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослашувини таъминлаш тартиби ва жабранганлар ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш тартиби ва уларга тақдим этиладиган хавфсизлик чоралари ва бошқа кафолатлари ёритилмоқда.

Бундан ташқари, миллий қонунчилигимизда илгари бўлмаган одам савдосидан жабранганларни идентификация қилиш ва уларни қайта йўналтириш тушунчалари алоҳида бобда белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши одам савдосидан жабранган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Илхом ЭРҒАШЕВ,

Яккабоғ туман адлия бўлими бошлиғи

Чет тилларни ўқитиш: Замонавий услуб самараси



Чет тилларни ўрганиш на-вқирон авлодини замон талаб-ларига жавоб берадиган етук мутахассислар этиб тарбия-лашда муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, Гуласал Тошпула-това Нишон туманидаги 35-да-влат ихтисослашган мактаб-да 2008 йилдан буён инглиз тили фанидан ўқувчиларга таъ-лим бериб келмоқда.

Мутахассислар чет тиллар-ни болаликдан эгаллаб бо-риш энг тўғри ҳамда самара-ли эканлигини кўп бора таъкид-лашади. Шу маънода айни пайтда 1, 4-синфларнинг ўқув-режасига чет тили машғулоти-ри киритилгани айни мудидао

бўлди. Ўтган қисқа фурсатнинг ўзиде бу саъй-ҳаракат-лар нечоғли тўғри бўлганини кўрсатаётти. Махоратли устоздан таҳсил олаётган ёшлар юқори марраларга эришмоқда. Ҳукучи ёшларнинг кўпчилиги IELTS, CEFR сертификатларига эга. Мактабни битирган кўчма ўқув-чилар кейинги таҳсилни олий таълим муассасаларида да-вом эттиришяпти.

Одатда, мактаб ёшидаги болалар табиатан уйинқар-оқ бўлади. Уларнинг дарсга қизиқиши, фаол катнаши-ши, уйга берилган вазифаларни мустиқил, ўз вақтида тай-ёрлашига эришиш учун ўқитувчи интерфаол усуллардан ке-нг фойдаланиши лозим. Хорижий тилларни пухта эгал-лаш учун қанчалик кунт ва сабот керак бўлса, педагогдан ҳам шунчалик катта махорат ҳамда фидойилик талаб эти-лади. Муаллими ўқувчиларига таълим беришда замона-вий ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар-дан самарали фойдаланишга, ўғил-қизлар тафаққурига кўргазмали қуроқлар, дарсга оид санъат намуналарини намойиш этиш орқали кўпроқ таъсир ўтказишга ҳаракат қилади.

Мактабимизда чет тилларни ўрганиш тарғиботиға бағишланган ранг-баранг тadbирлар, иждодий кечалар, тўғарақ машғулоти ва турли танловлар ўтказишни мунтазам йўлга қўйганмиз. - дейди Гуласал Тошпулато-ва. - Булар ўқувчиларимиз билими тобора мустаккамла-ниб бориши, бошқача айтганда, "тили котиб қолмасли-ги" учун яхшигина махорат мактабга бўлаёпти. Ўқувчилар-имиз орасида чет тиллари бўйича фан олимпиадалари голиблар бор. Ҳақиқий муаллим учун шоғирдлари эри-шаётган ютуқларни қўришдан ортқ бахт бўлмас керак. Болаликда олинган билимини бамисоли тошга уйил-ган нақша менгазайдилар. Бугун мактаб остонасини илк бор ҳатлаётган ҳар бир ўғил-қиз чет тилларнинг мафтун-кор оламиға қадам қўймоқда. Насиб этса, келгусида улар эл-юртимиз шухрати ва салоҳиятини бутун дунёға кўз-кўз этидлар.

Кимё-биология таълимини ислоҳ қилиш...



2020 йилнинг 12 август куни "Кимё ва биология йўналишида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини оши-риш чора-тадбирлари тўри-сида"ги президент қарори имзоланди. Қарор билан кимё ва биология таълими ислоҳ этилиши белгиланган.

Ҳужжат асосида респу-бликанинг ҳар бир худудида кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган 14 та таянч ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилади. Бунда Абу Али ибн Сино но-мидаги ёш биологлар ва кимё-табиология фанлари

мётарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати ушбу мактаблар мақомиға мослаштирилади.

Шунингдек, туман (шаҳар)ларда кимё ва биология фанларини қуқулаштириб ўқитишга ихтисослаштирил-ган 150 та мактаблар очилди.

2020/21 ўқув йилда мактабларда табиий фанлар ўқув дастурларида амалий машғулотларнинг улушини кўпай-тирилди.

Қарор билан, 2021 йил 1 февралға қадар Кимё ва биология фанларидан билимларни баҳолаш бўйича мил-лий сертификатлаш тизими жорий этилади.

Миллий сертификатлаш тизими доирасида куйид-гилар белгиланмоқда:

"Кимё ёки биология фанларини билиш даражасини аниқлаш ва бу тўғрисида миллий малака сертификатла-рини (кейинги ўринларда - миллий сертификат) бериш белгиланган тартибда Давлат тест маркази томонидан амалға оширилади;

"Кимё ёки биология фанларини билиш даражасини аниқлаш табақалаштирилган ҳолда амалға оширилади;

"Имтиёз бериладиган даражадаги миллий сертифи-катға эга умумтаълим мактаб, академик лицей ва касб-хўнар мактаби ўқувчилари давлат олий таълим муассас-сасига ўқишға киришда кимё ёки биология фанидан тест синовини топиришдан озод этилади ҳамда унга тегиш-лиликға кўра кимё ёки биология фани учун белгилан-ган максимал балл берилади.

Бу ислоҳотлардан илҳомланган Нишон тумани 35-ихтисослашган мактаб ўқитувчиси Дилдора Дониева ҳам ўқувчиларға кимё фанини қизиқарли тарзда ўргатишға ҳаракатқилимоқда. У ун йилдан буён кимё фанидан бола-ларға таълим бериб келмоқда. Ўқувчилари фан олимпи-адалари голиблари.

Ҳар йили кимё фани ойлигида "Менделеев кечаси" мавзусидаги тadbир ўтказиши анъанаға айланган. Бу тadbирни ўтказишдан мақсад ўқувчиларнинг кимё фаниға бўлган қизиқишини орттириш, билим кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

МЕН БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИМАН

Улуғ донишмандлардан бири "... келажақ ташвиши билан яшасанг, фарзандларингға яхши билим бер, ўқит", деган экан. Юртимизда таълим-тарбия тизи-мида амалға оширилаётган ислоҳотлар ҳақиқий маъно-да бир-икки йиллик ёки қисқа даврда самарға эришишға қаратилган иш эмас, балки чин маънода бир неча юз йилларға татийдиган ўзгариш бўлди, десак ҳақ бўлмайди.

Бу президентимизнинг келажагимиз, келажақ авлодимиз ҳақида қайғуриб, юртимизнинг барча фар-зандлари - менинг фарзан-дларим, улар бизлардан кўра кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари керак, деган гоёси замирида дониш-мандларча сиёсат ётганини кўрсатади.

Маълумки, таълимда илгор педагогик ва янги ахбор-отлар технологияларини татбиқ этиш ўқув машғулот-ларининг самарадорлигини оширибгина қолмай, илм-фан ютуқларини амалиётда қўллаш орқали мустиқил ва мантиқий фикрлайдиган, ҳар томонлама барқамол юк-сак маънавиятини шахсини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги кунда таълим жараёнида интерфаол метод-лар ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашға бўлган қизиқиш кундан-кунға ортиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъ-анавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашға ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар-дан фойдаланиш эса уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топиш, мустиқил ўрганиш ва фикрлаш, таҳлил қилиш, ҳатто яқини хулосаларни ҳам ўзлари ке-лтириб чиқаришға ўргатади. Уқитувчи бу жараёнда шахс ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияла-нишиға шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқ-арувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради.

Бугунги кунда таълимда "Ақлий ҳужум", "Фикрлар ҳужуми", "Тармоқлар" методи, "Синквейн", "БББ", "Бе-шнчиси ортиқча", "6х6х6", "Баҳс-мунозара", "Ролли ўйин", "ФСМУ", "Кичик гуруҳларда ишлаш", "Юмалоқлан-ган қор", "Зигзаг", "Охири сўзни мен айтай" каби за-монавий технологиялар қўлланмоқда.

Рокья ДУСТОВА,
Нишон тумани Нуристон шаҳарчасидаги 35-их-тисослашган мактаб ўқитувчиси

ПСИХОЛОГИЯ - БУ НИМА?



Психология - инсон фаолияти ва ҳайвонлар хатти-ҳаракати жараёнида воқелик-нинг психик акс этиши, руҳий жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, хислатлар тўғрисидаги фан. Психологиянинг тadbирот предметига сезгилар ва идрок образлари, тафаққур ва ҳиссийёт, фаолият ва муомала каби психологик жараёнлар, категориялар кирлади.

Психологиянинг асосий вазифалари - психика қонуниятларини, инсон руҳий ҳолат-лари шаклланишини филогенетик ва онтогенетик тараққиёт бирлигида очишдан иборатдир. Мазкур вазифалар ечимини топишда психология бир томондан, биология фани соҳалари билан, жумладан, физиология билан, бошқа томондан эса, социология, педагогика, маданият тарихи, мантиқ ҳамда ижтимоий фанлар билан жип ололга кири-шади. Психология энг аввало, психиканинг инсонға хос шакли бўлмиш онг ва ўзини ўзи англаши тadbирот этиди.

Хозирги замон психологияси кўп тармоқли психологик билимлар тизимидан иборат фан ҳисобланиб, ўзининг тadbирот предметига эга бўлган кўллаб соҳалардан ташкил топган. Яъни умумий, авиация, ҳарбий, дифференциал психология, психофизиология, муҳандислик психологияси, космик психология, ҳуқуқ, тиббийёт, нейрпсихология, патопсихология, педагогик психология, меҳнат, спорт, махсус, иждодиёт, менежмент, маркетинг, ижтимоий психология, ёш психологияси, ташкилий, дин, оила, тарих, гене-тик, амалий, экспериментал, касб, психолингвистика, сиёсий психология ва бошқалар.

Рисолат НОРБАЕВА,
Нишон тумани 35-ихтисослашган мактаб ўқитувчиси

ФИЗИКА ФАНИ НИМАНИ ЎРГАТАДИ?

Кўпчиликға ҳеч бўлмас бир марта шу қиламданги савол пайдо бўлади: физикани ўрганиб нима қиламан, у менға ҳаётда керак бўлмай-ди-ку?!

Бундай саволни берган одамға, айниқса, ўсмириға бу фани ўрганиш муҳимлигини қандай тушунириш ке-рак? Қизиқмаган одамға фандаги қонун ва формула-ларни билишнинг афзал та-рафини ўқитиришининг ўзи бўлмайди, албатта.

Бироқ одам қанчалик қайсар бўлмасин, қарибир исталган одамға ҳаётда физи-кадан билимлар, албатта, керак бўлади. Нишон тумани Нуристон шаҳарчаси 35-ихтисослашган мактабда физика фани ўқувчиларға қизиқарли тарзда ўтилмоқ-да. Жумладан, 2018-2021 ўқув йилларида 10-синф ўқувчилари физика фанидан туманлараро фан олимпиадаларида катнашиб, фахрли 1-ўринни кўлга қиритишди. Ҳаракатлар бесамар кетмагани иниси сифатида, уч нафар ўқувчи физика фани олимпиадасида вилот босқишға қўтарилишди.

Фақат физикани яхши билган одамгина уй-ҳой, за-водлар, машина ёки электрстанцияларни лойиҳалаш ва қуриши мумкин. Телевизор, автомобиль, космик апаратлар ҳамда ҳатто энг оддий кийим-кечак ва овқат махсуслотларини тайёрлаш учун ҳам физикани билиш ке-рак бўлади.

Масалан, кўзойнақ, телескоп, фотоаппарат ва видео-камера сингариларни физик олимлар ёрўғлиқнинг ҳаво-да ва шишда қандай тарқалишини илмий ўрганишгани-дан кейин ихтиро қилинган. Кема, самолёт ва ҳаво шарни сингарилар ҳам газ ва суюқликларнинг жисмға қўрсата-диган таъсири қонуниятларини пухта ўрганиш асосида яратилган.

Физикани билмасдан туриб соат, телефон, чанпю-тич, телевизор, музлаттич ва ҳоказо барча фойдали за-монавий техникани яратиб бўлмасди. Уларсиз хозирда овқат пишириш, ҳонани тозалаш, мусиқа эшитиш синга-рилари тасаввур қила олмайсиз, турими?

Қўрқмасдан айтиш мумкинки, физиклар томонидан юз йиллар давомида эришилган билимлар замонавий одам турмушининг исталган ҳар бир жаҳасида ўз инъибосига эга. Шунчакки, ўзиниғизға ёки атофтиниғизға назар таш-ланг. Қўзиниғиз тушган ҳамма жойдаги нарсаларнинг их-тиро қилинишида, ишлаб чиқарилишида ва сиғизға этиб келишида физика фани эришган ютуқларнинг улкан ҳис-саси мавжуд. Дунё, қоинот қандай тизилгани ҳақидаги фалсафий саволлар ҳам қарибир физикадан яхши боха-бар бўлиши талаб этади.

Нишон тумани Нуристон шаҳарчаси 35-ихтисослашган мактаб физика фани ўқитувчиси Нарги-за Бердиева ҳам шу сабабли ҳаракатда.

Саҳифани Фотима ва Зўҳра САЪДУЛЛАЕВАлар тайёрлади

ОММАВИЙ СПОРТ-ОММАВИЙ СИҲАТЛИК

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш кишида соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларни шакллантиради, касалликларға қарши кучли иммун тизими пайдо бўлишини таъминлайди, зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилишға одатлантиради.

2020 йил 30 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6099-сон фармони имзоланди.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларни шакллантириш орқали ҳар бир фуқарода касалликға қарши кучли иммун тизими пайдо бўлишини таъминлаш, зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш, тиклаш ва реабилитация ишлари ҳамда оммавий жисмоний фаоллик тadbирларини тизимли ва са-марали ташкил қилиш, бу борада тегишли инфратузилма ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида: ҳар бир оила, маҳалла, туман (ша-ҳар), мактабга, умумий ўрта, ўрта-махсус, профессионал ва олий таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотларда жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишға шарт-шароитлар яратиш; оммавий спортни ривожлантириш бўйича аҳоли орасида, хусусан, ўқувчилар, талабалар, ёшлар, аёллар, кексалар ўртасида спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиш; аҳолининг турли гуруҳларини соғлом овқатланишға бўлган эhtiёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, жисмоний фа-оллик ҳамда алкоголь ва тамаки махсуслотларини истеъмол қилишни қис-қартириш йўли билан касалликға чалиниш, ортиқча вазн ҳолатлари (семи-элик) ва бевақт вафот этишни қамайтириш; санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиши, оилалар, маҳаллалар, мактабгача таълим ва умумтаълим му-ассасалари даражасида соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисми сифа-тида тарғиб қилиш ва бошқа устувор вазифалар белгиланди.



Нишон туманидаги 35-ихтисослашган мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Камола Диёрова ҳам ушбу қарор ижроси юзасидан ўқувчи ёшлар-нинг спорт билан шуғулланишларини таъминлаб келмоқда. У ун йилдан буён спорт соҳасида ишлайди.

Мактабда ўқувчилар ва ўқитувчилар спортнинг волебол, бадий гимнас-тика, стол тенниси, шахмат-шашка ва бошқа турлари билан шуғулланишлари мумкин. Камола Диёрованинг қилинган меҳнатлари самарасиз кетмаганини мактаб ўқувчиларнинг турли мусобақаларда эришган фахрли ўринла-ридан билсак бўлади.

Саломатлик

КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИ ШИФОХОНАСИ ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС



XXI аср замонвий ахборот технологиялари асири. Технология ривожланган сари инсоният эҳтиёжлари ва имкониятлари ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Бугунги кунга келиб қайси соҳа ёки ташкилот бўлмасин ҳар бири аввало инсон яъни унинг манфаатлари учун хизмат қилади. Бунинг яққол исботи сифатида Қашқадарё вилоят Кўз касалликлари шифохонасида янги тизим яъни электрон поликлинника тизими йўлга қўйилганлигини келтириш мумкин.

Бу тизимнинг қулайликлари ва бундан қўлланган асосий мақсад: шифохонга таширф буюрувчи беморларга қулайликлар яратиш, рўйхатга олиш вақтида ҳосил бўлувчи навбатларни камайтириш яъни тизимли тез ва осон рўйхатга олиш, врач кўриги учун жонли навбатни ташкил қилиш ва врач томонидан беморларга қўйилган ташхисни узок вақтгача ишончли ҳолда сақлашдан иборат.

Бу тизимнинг йўлга қўйилишида Вилоят Кўз касалликлари шифохонаси ўз ҳисобидан шифокорлар учун 20 та янги компьютер жиҳозлари сотиб олинди. Яна бир

кулайлик - мавжуд компьютерларнинг ҳар бири интернет тармоғига уланган.

Албаттаки, янгилик янги тизимни ишга туширишда ўз ишининг малакали мутахассиси бўлиши лозим. Шу муносабат билан мутахассислар томонидан шифокорларнинг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида қўшимча дарслар ташкил этилди. Энди Статистик маълумотларни олиш янада осонлашади, койкалар бандлигини жонли тарзда кузатиш йўлга қўйилади.

Шунингдек, шифохонга энг сўнгги, "Факсэмүлсификатор" ускунаси олиб келинган эди. Ушбу ускуна қулай, осон ва инсонлар ҳаёти учун мутлақо хавфсиз бўлиб тез ва самарали равишда операция жараёнларини амалга оширишга мўлжалланган. Ўтган йили вилоят кўз касалликлари шифохонасида "Факсэмүлсификатор" аппарати ёрдамида илк мартаба жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Табиийки, бундай мураккаб операцияни амалга оширишда кўпроқ тажриба керак бўлади. Шу муносабат билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Воҳид Розикўлов томонидан вилоятимиздаги мутахассислар учун икки кун давомида "Мастер-класс" тарзида 17 та жарроҳлик амалиёти ташкил этилди. Шунингдек, 41 нафар бемор амбулатор кўригидан ўтказилиб, уларга аниқ ташхис қўйилди ҳамда мутахассислар томонидан зарур маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Шифокорларни ва беморларни хурсанд қилган томони, энди ускунани амалиётда ишлатиш орқали кесим жараҳати кичрайиб, тез ва осон битади. Жарроҳлик амалиёти вақти беморнинг стационар қолиш давомийлиги анча қисқаради, уни амбулатор шарафатида даволаб бир кунда жавоб бериш имконияти вужудга келади. Энди Операция учун ортиқча харажат билан пойтахтга ёки

чет давлатга боришнинг асло ҳожати йўқ.

Шифохонанинг маҳоратли шифокорлари кўплаб инсонларнинг дардига дармон бўлиб, ёруғ оламни кўришларига ёрдам бериб келинмоқда.

Маълумки, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар таълими, уларнинг маънавий ва руҳий ривожланиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, келгуси ҳаётга ва жамиятга мослашишга йўналишри мақсадида 2019 йилнинг март ойида "Кўнгул кўзи" хайрия акцияси бошланган эди.

Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари ҳамкорлигидаги лойиҳа доирасида айни пайтда вилоят кўз касалликлари шифохонасида Қарши шаҳридаги 18-маҳсус мактаб-интернат ўқувчилари тиббий кўриқдан ўтказилди.

Хайрия акцияси доирасида уч мингдан ортиқ кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар тиббий кўриқдан ўттишти. Текширув натижасига кўра кўришни яхшилаш имкони бўлган ҳар бир болага ёрдам кўрсатилмоқда.

Вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори Иброҳим Очиловнинг сўзларига кўра, айни пайтда 18-маҳсус мактаб-интернат ўқувчилари визометрия,



рефрактометрия, тонометрия, периметрия, кўз тубини фондус линза ёрдамида кўриш, замонвий оптик когерент томография сингари бир қатор стандарт текширувлардан имтиёзли ўтказилмоқда. Узок масофада жойлашган ва филиалга олиб келиш имкони бўлмаган беморлар учун мобиль офтальмологик поликлиника хизматидан фойдаланилаётми. Ҳар бир бемор болани Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг маъсул шифокорлари билан ҳамкорликда телемедицина орқали кўриқдан ўтказиш йўлга қўйилган. Мазкур мактаб-интернатнинг жами 224 нафар ўқувчиси чуқурлаштирилган текширувлардан ўтказилганидан сўнг даволаш имкони бўлганлари ҳамда республика даражасида саралаш ҳамда даволаш чоралари кўрилади.

Азиза ЭРГАШЕВА

МЕН ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШИМАН



Паризода Турсунова Нишон тумани Талимаржон шаҳридаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси. Шу пайтгача у жуда кўп танловларда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритган. Жумладан, Зулфияхоним номидаги Давлат мукофоти учун ўтган саралаш босқичида қатнашган Паризода Турсунова Адабиёт йўналиши бўйича келгуси босқичга саралаб олинган.

Дарҳақиқат, "Зулфия номидаги давлат мукофоти тўғрисида"ги низомга кўра, мукофот Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафардан вақилга топширилади. Давлат мукофоти таълими, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга берилди.

Мукофотга даъвогар қизлар давлат мукофоти комиссияси белгиланган тартиб асосида сўнгги 3 йилдаги фаолиятида эришган ютуқлари ҳақида ҳужжатлар тўпламини йиғиб, тақдим этади.

Туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсидаги саралаш жараёнларида комиссия томонидан маъқулланган номзодлар рўйхати Президент администрациясига киритилади. Президент администрациясида танланиб, ғолиб деб топилган лауреатларга кўрак нишони, олий таълимнинг бакалаврият/магистратура босқичида синов имтиҳонларисиз грант асосида ўқишга қабул қилиниши учун имтиёз ва бир марталик пул мукофоти берилди.

Фотима САЪДУЛЛАЕВА,

ТИББИЙ КИМЁ ФАНИ НИМАНИ ЎРГАНАДИ?

Кўп асрлар давомида табиий фанлар ривожланиши натижасида тиббиёт ва кимё ўртасида жуда чуқур боғлиқликлар вужудга келган. Бу фанларни бир бирига сингиб кетишидан янги илмий йўналишлар фанлар орасида ўз ўрнини топиб келмоқда. Улар физиологик жараёнларни, касалликлар келиб чиқиши сабабларини, фармакология асосларини молекуляр даражада ўрганишга қаратилган. Умумий кимё шу молекулаларни атом-молекуляр таълимот нуқтаи назаридан, ўзида шу моддаларни сақлаган эритмаларнинг таркиби, хоссаларини ўрганса, аналитик кимё элементлар ва уларнинг бирикмаларини хоссаларини ўрганади. Одам организмининг биологик суюқликларини эритма, буфер эритма, коллоид эритма сифатида кўрганамиз учун, эритмалар кимёсини ўрганишичи организмнинг таркибини ўрганиш тўлиқ бўлмас эди. Биологик суюқликлар ўз таркибида

анорганик моддаларни ионлар ҳолатида ҳам тутайди.

Кимё фани бизни ўраб турувчи дунё таркиби, тузилиши, хусусиятлари ва моддалар реакциясини ўргатади. Кимё билан атрофнингдан ҳар қуни, ҳар бир ишлатайётган буюм ва бажараётган ишингизда тўқнашасиз. Кимёвий жараённи овқат тайёрлаганингизда, кир ювиш вақтида оқартирувчи модда қўшганингизда, автомобилнингизни ўт олдириганингизда кимёвий жараённи бажарасиз. Кумуш қорайганда ёки

антикислidl бирикмалар сувга эриганда кимёвий реакция амалга ошади. Карбонат ангидрид ва сув энергиясининг ўлгувод энергиясига айланиши кимёвий реакциядир ва шунинг учун ўсимлик ўсади. Озуқа моддалар ҳам бўлишида энергия ва соғлиқ учун зарур бўлган моддаларга парчаланиш кимёвий реакцияси амалга ошади.

Қамаши туманидаги 67-умумий ўрта таълим мактабида ҳам кимё фанини ўрганиш учун турли хилдаги тадбирлар, очик дарслар олиб борилмоқда. Жумладан, 2021 йил 29 январь кунини кимё фани ойлғи доирасида 10-11-синфлар ўртасида "Табиятшунослар", "Кимёғарлар ва биз табиятни севаимиз" мавзусида тадбирлар ўтказилди. 7/7 методик асосида 11 "А" синф 1-ўрин, 11 "Б" синф 2-ўрин, 11 "В" синф 3-ўринни эгаллади.

Озода НОМОЗОВА,
Қамаши туман халқ таълим бўлимига қарашли 67- умумий ўрта таълим мактаб кимё фани ўқитувчи



КИМЁ ФАНИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Кимё, химия - моддаларнинг тузилиши ва ўзгаришини ўрганадиган фан. Кимё бошқа фанлар қатори инсон фаолиятининг махсули сифатида вужудга келиб, табиий эҳтиёжларни қондириш, зарурий махсулотлар ишлаб чиқариш, бирдан иккинчисини ҳосил қилиш ва ниҳоят, турли ҳодисалар сирларини билиш мақсадида рўёбога чиқди. Одамлар қадимдан рудалардан металллар-

кимёвий махсулотлар Хиндистон, Хитой ва Ўрта Осиёда ҳам ишлаб чиқарилган. "Кимёи хунар" соҳиб бўлган кимёғар бир моддалар иккинчи махсулотини тайёрлаш иши билан шугулланган. Ўзбекистондан ўтган Буоқ ипак йўли орқали миллоддан аввалги 1-миг йилликнинг 2-ярмидан бошлаб, мамлакатга савдо-сотик билан бирга хунармандчилик ҳам кириб келди. Топилган жуда кўп таърих буюм ва ёдгорликлар Ўзбекистон ҳудудидан ашаган аҳолининг кимёи хунаридан қадимдан божабар эканлигидан дарак беради. Бухоро яқинидаги Пойкенд манзилгоҳидан 8-асрга тааллуқли кимё лаборатория топилган. Лаборатория жиҳозлари ичида турли идишлар, шихса асбоблар, болар сумгаги учрайди.



Кимёнинг фан сифатида шаклланиши тадиқотчилар Миср билан боғлашади.

Нигора МАҲАМОВА,
Қарши туман 60-умумий ўрта таълим мактаб кимё фани ўқитувчиси

СЎЗ ТАЪСИРИ АМАЛИЁТ БИЛАН

Бугун касба уюшмалари кириб бормаган соҳанинг ўзи қолмади. Ходимга қулай ва хавфсиз иш шaroитлари яратиш, унинг ўзи ёки оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирлар, туризм саёхатлари уюштириш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш, иш ҳақидан муддати ўтган қардорликни бартарарф этиш, бандликка қўмаклашиш, кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, хуллас, қайси йўналишни олиб қараманг, барча ишларда касба уюшмаларининг ўрни ва нуфузи борлигини кўрасиз албатта.

Касба уюшмаси туман кенгаши бўлинмаси ҳисобида 102 та умумий ўрта таълим мактаби, 29 та мактабгача таълим ташкилоти, 1 та мактабдан ташқари таълим ташкилоти, яъни "Баркамол авлод маркази", 2 та бўлим (туман халқ таълими ва мактабгача таълим бўлимлари), 1 та касб-хунар мактаби, 1 та ахборот кутубхона маркази, 8 та нодавлат касба уюшма ташкилотларидир.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Яккабоғ туман бўлинмаси йил давомида 50 нафар ходимлар - район мудири, мактаб касба уюшма раислари ва мактаб директорларидан иборат бўлган ходимларга республикага бепул йўланма берилди. (номланишини тўғри ёзсин)

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг 2020



йил 7 октябрдаги 1-6 с-сонли ҳамда Ўзбекистон маданияти, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг 2020 йил 7 октябрдаги 1-1 с-сонли "Бошланғич ташкилотларни бир тармоқ касба уюшмаси ҳизматидан бошқа тармоқ касба уюшмаси ҳизматига ўтказиш тўғрисидаги қўшимча қарорига қўра таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси ҳизматидан бўлган 6 та ташкилот (Яккабоғ тумани маданият бўлими, Яккабоғ тумани №1, №2, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Яккабоғ туман 18-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби) Ўзбекистон маданияти, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси тармоқ ҳизматига ўтказилди. 4 та коллеж, яъни Яккабоғ sanoatни қайта ишлаш касб-хунар коллежи, Яккабоғ ахборот технологиялар коллежи, Яккабоғ хизмат кўрсатиш коллежи, Яккабоғ озиқ-овқат коллежи ўз фаолиятини тугатди. Натижада ташкилотлар сони 10 тага камайди.

2020 йилда ташкил этилган 2 та ташкилот, яъни 2 та мактабгача таълим ташкилоти 14-сонли ДМТТ, 20-сонли ДМТТ, 1 та Туман ахборот кутубхона маркази, 2 та умумтаълим мактаби 97-, 99- ҳамда 1-сонли касб-хунар мактаби бошланғич касба уюшма ташкилоти тузилиб, туман кенгаши ҳизматига ўтказилди. Натижада, туман кенгашига қарашли ташкилотлар сони 6 тага кўпайиб, 144 тани ташкил этди. Бундан ташқари, 2020 йилда ташкил этилган 17 та нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг 34 нафар, ходимлари ҳам туман кенгаши аъзоллигига қабул қилинди.

2020 йилда жами аъзолар сони 8296 нафарни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 8115 нафарни ташкил этган. Аъзолари сони 181 нафарга камайди.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатида бошланғич ташкилотларининг статистик ҳисоботлари якунига қўра, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Яккабоғ туман кенгаши бўлинмаси буйича 144 та бошланғич касба уюшма ташкилотидаги аъзолар сони 8115 нафарни ташкил этди.

Жумладан, пандемия даврида туман кенгаши ҳисобидан кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож ва боқувчисини йўқотган жами 190 та оилга озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Бундан ташқари, 937 нафар кам таъминланган ходимларга антисептик воситалари тарқатилди.

Дарҳақиқат, бу ишларга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан, юртимиз эртаси учун маъсулиятли жараёнда иштирок этаётганимдан хурсандман.

Алишер ХОННАЗАРОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Яккабоғ туман бўлинмаси кенгашининг раиси



БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАСИ - ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА



Мамлакатимиз иқтисодий тараққийотининг ўсиши суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу айни пайтда илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар самарасидир.

Маълумки, бошланғич касба уюшмаси ташкилотлари муайян меҳнат жамоасида жамоа шартномалари, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолияти билан фаол шуғулланиб, ишчи-ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитлари яратиш, улар ўртасида турмуш тарзини тарғиб этиш, ишда ўрнатилган кўрсаткичларни рағбатлантириш, эҳтиёжмандларни моддий қўллаб-қувватлаш каби тадбирларда бош ташаббускор ҳисобланади.

Масалан, Қарши туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич касба уюшмаси ташкилотининг якунланган 2020 йилдаги фаолиятига назар ташласак, тузилма ўз мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, қатор ибратли ишларни амалга оширилганлигига гувоҳ бўлиш мўмкин. Хусусан, 60 нафар аъзога эга бўлган бошланғич ташкилот 2019-2021 йилларга мўлжаллаб тайёрланган жамоа шартномаси асосида ишлаб чиқилган аниқ режага қўра иш олиб боради.

Натижада касба уюшмаси томонидан жамоадаги барча ишчи ходимларнинг оилавий ва иқтисодий шaroитлари чуқур ўрганилиб, 5 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳнат жамоасида муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётган 3 нафар ишчига ўзи ва оила аъзолари учун юртимиздаги номдор санаторияларга йўлланма тақдим этилди. Касба уюшма аъзолари фарзандларидан 4 нафари ёғзи соғломлаштириш мавсумида сўлим оромгоҳларга юборилди. Жамоат ишларида намуна кўрсатаётган ходимларни рағбатлантириш, нафақадаги фахрийларни йўқлаш учун юртимизда кенг нишонланадиган байрамлар айлани мўддао. Шу нуқтаи назарда 8 марта Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мактабда фаолият юритиб, самарали ютуқ ва натижаларга эришган, баркамол ёш авлоднинг тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган 6 нафар хотин-қизлар касба уюшмасининг қийматбахо совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, 1-октябрь Устоз ва мураббийлар куни муносабати билан меҳнат жамоасининг 5 нафар нафақадаги фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, совғалар улашилди. Мактабда таълим олаётган



эҳтиёжманд оилалар фарзандлари ҳам доимо муассаса бошланғич касба уюшмаси эътиборида. 2 сентябрь Билимлар куни муносабати билан 1 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларига ўқув қуроллари олиб берилгани, шу билан бирга карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож 3 нафар касба аъзосига озиқ-овқат маҳсулотлари тортиқ қилинди. Бундан ташқари, Янги йил байрамида боқувчисини йўқотган оилалар ва бошланғич касба уюшмаси ташкилоти аъзоларидан 6 нафарининг фарзандларига совғалар улашилгани нафақат уларга кайфият бахш этди, балки бизнинг ҳам қўлаётган ишларимиздан қониқиш туйишга сабаб бўлди.

Энг муҳими, бу каби ҳайрли ишларни ҳар байрамда алоҳида уюштирилган маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирларида намоен этишга ҳаракат қилдик. Бунга январь ойида эркаклар ўртасида ўтказилган футбол, аёллар ўртасида ўтказилган баскетбол мусобақалари яққол мисол бўла олади ва бундай тадбирларимиз бардавом бўлади.

Ҳа, бугунги кунда юртбошимиз таълим-тарбияга айниқса, ўқитувчиларга жуда катта кенг имкониятлар яратиш бермоқдалар. Уйлайманки, ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир ходим бундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз олдига улкан мақсадлар қўйишган. Бу сай-ҳаракатлар албатта, ўз самарасини кўрсатади.

Саида ТИЛЛАЕВА,
Қарши туман 35-мактабининг касба уюшма раиси

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИМКОНИЯТЛАР

Қайси юртниг тамал тоши мустаҳкам бўлар экан, ўша жойда фаровонлик ҳукм суради. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Касби туман бўлинмаси кенгаши раиси вазифасида иш бошлаган кезларим бу ташкилотнинг нақадар халқчил, инсонпарвар меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ишчи ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитлари яратишдек, яна кўпгина моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш каби тадбирларнинг ташаббускори эканлигини билмаган эканман. Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ишда ўрнатилган кўрсаткичларни рағбатлантириш ташкилотнинг асосий мақсадларидан бири саналади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Касби туман бўлинмаси тасарруфидаги 16-умумий ўрта таълим мактабида 2021 йил 18 январь куни ўтказилган бошланғич ташкилотларда янги сайланган раислар билан ўқув семинари бўлиб ўтди. Семинарда 12 нафар бошланғич касба уюшма раислари иштирок



этидилар. Улар жамоа шартномаларини янги тузиш ва бошланғич ташкилотларда юритилиш зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар, бошланғич ташкилотлар номенклатураси бўйича кўпроқ маълумот бериш сўралди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчилар томонидан йўл қўйилган бир қатор хатоликлар натижасида ишчи-ходимларга етказилаётган моддий ва маънавий зарарларни мисоллар орқали тушунириб берилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бурчакларини корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил қилиш бўйича тегишли йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Касби туман бўлинмаси кенгаши раиси томонидан касба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби бўйича тингловчиларга тушунчалар берилди. Туман бўлинмаси кенгашларида қолдирилган маблағларни қандай мақсадларда, қанча миқдорда ишлатилиши аниқ тушунириб берилди.

Касба уюшма аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш, маданий тадбир иштирокчиларига совғалар олиб бериш, касба уюшма аъзоларига ва уларнинг энг яқин кишилари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) учун санаторийларга йўлланмалар олишда бошланғич касба уюшма ташкилотлари томонидан туман бўлинмаси кенгашларига тақдим этиладиган ҳужжатлар бўйича етарли маълумотлар берилди.

Дарҳақиқат, халқимизда "Элга хизмат-олий ҳиммат" деган нақл бор. Мақсадимиз эса ходимлар фаровонлигини таъминлаш халқимизнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш ва порлоқ келажак сари шахдам қадам ташлаш. Касби туман касба уюшма бўлинмаси кенгаши юртимизда олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ходимларнинг муаммоларини ижобий ҳал қилиш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттирмоқдамиз.

Б.ХИДИРОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Касби туман бўлинмаси кенгаши раиси



МУТАХАССИС МИНБАРИ

БОЛАЛАРДА ТИШ
КАСАЛЛИКЛАРИ
НЕГА КЎПАЙМОҚДА?

Кейинги пайтларда кўпчилик болажонлар тиш хасталикларидан азият чекмоқда. Болалар ўртасида тиш касалликлари, айниқса, уларнинг тишларида қора доғ пайдо бўлиши, кариес юзага келиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Оналарга: "Нега болангизнинг тиши қорайиб кетибди?" деб савол берсангиз, "Экологияданми, билмадим, қорайиб кетаяптида", дея бепарво жавоб қайтаришади. Аммо мана шу арзимаган деб ўйлаётганимиз - тиш касалликлари кейинчалик организмда бошқа хасталикларнинг илдири отишига сабаб бўлиши мумкинлигини кўпчилигимиз яхши билмаймиз.

Ёш авлоднинг баркамол, соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишида ўз хиссасини қўшиб келаётган Қашқадарё вилоят болалар стоматология поликлиникасида Қажрамон Зиятов бошчилигидаги 33 нафар шифокор ва тиббиёт ходимлари ишлашаёпти. Қуйида вилоят болалар стоматология поликлиникаси врач-стоматолога Қажрамон Зиятовга болалардаги тиш хасталиклари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақидаги саволлар билан муножарат қилдик.

- Сўнгги вақтларда нафақат катталар, балки болаларнинг кўпчилиги тиш касалликларидан азият чекмоқда. Айтингчи, болаларда учрайдиган тиш касалликларининг келиб чиқиш сабаблари нимада?

- Тиш касалликларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у тезда оғриқ бермай, бир неча ой, ҳатто йиллар мобайнида тишни емириб боради. Шу боис кўпчилик тиш касалликларининг бошланғич даврини эътиборсиз ўтказди. Бугунги кунда болалар ўртасида кариес, айниқса, кенг тарқалган. Олти-етти ёшли болаларнинг 80-85 фоизда мазкур касаллик кузатилади.

- Ота-оналар кариесни болаларнинг нотўғри овқатланиши, ширинликларга ўчлиги туфайли пайдо бўлади, деб ўйлашади. Аслида ҳам шундайми?

- Бу - касаллиқни чақирувчи омиллардан фақат биттаси ҳолос. Кариесни келтириб чиқарувчи сабаблар жуда кўп. Бола она қорнида ривожланаётган вақтлардаёқ болаларнинг тиш касалликларига замин яратилган бўлиши ҳам мумкин. Чунки ҳомила ривожланишининг иккинчи ярмида сут тишларининг минераллашуви амалга ошади. Агар она соғлом бўлса ва тартибли овқатланса, кейинчалик бола туғилгандан кейин сут тишларида ҳеч қандай касаллик кузатилашми мумкин. Агар онанинг токсикозига оғир кечса, бола чала туғилса, туғруқ пайтида жароҳатланса, рахит, диспепсия хасталиклари бўлса, тиш касалликлари пайдо бўлишига мойиллик ҳам кучаяди. Шунингдек, ҳомилдорлик пайтида онанинг инфекциял касалликлари билан оғриши ва унга эътиборсизлик ҳам кейинчалик боланинг сут тишлари касаллиғига олиб келади. Шунингдек, бола сунъий овқатлантириш, экологик носоғлом муҳит (сув ва ҳавонинг тоза бўлмаши) ҳам кариесни чақирувчи омиллардан ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бир ярим, икки ёшли болаларнинг 20-30 фоизи, уч ёшдан ўтган болаларнинг 50-60 фоизда кариес учрамоқда.

Бундан ташқари, сўлак ёпишқоқ-



лигининг ошиши, айрим гуруҳ тишларнинг ишлатилмаслиги, (яъни фақат бир тарафда овқат чайнаш), оғиз бўлиги гигиенаси бузилиши натижасида ҳам кариес пайдо бўлади.

Кариесни ўз вақтида илғаб тўғри даволанса, тишга катта нуқсон етказмай, унинг олдини олиш мумкин. Бу касаллик аввал юза босқичда пайдо бўлиб, кейин ўрта босқич, сўнг чуқур кариесга айланади ва шундан кейингина оғриқ бера бошлайди.

- Болаларда кариесдан ташқари яна қандай тиш касалликлари кузатилади?

- Ҳомиллада тиш тўқималарининг ривожланиш даврида она ёки боланинг организмидан туз ва сув алмасишуви бузилиши натижасида гипоплазия касаллиги келиб чиқиши мумкин. Бу касаллик гарчи ҳали бола туғилмасидан олдин бошланган бўлса-да, сут тишлари чиққандан кейингина келинади. Гипоплазияда тишда доғлар, чуқурча, дўмбоқча пайдо бўлиши, ёки аплазия (эмалнинг умуман бўлмаши) кузатилади. Агар она ҳушёр бўлса, бола тишидаги мана шу нуқсонларни сезиб, шифокорга муножарат этади. Аммо кўпчилик бу борада ҳам эътиборсизлик қилади.

Бундан ташқари, флюороз касаллиги ҳам мавжуд. Бу хасталик тишларда оқ чизиклар пайдо бўлиши билан характерланади. Хасталик сув таркибида F (фтор) миқдори ошиб кетганда пайдо бўлади.

Гарчи жуда кенг тарқалмаган бўлса-да, тетрациклин хасталиғига учраган тишлар ҳам мавжуд. Агар она ҳомилдорлик пайтида тетрациклин қабул қилган бўлса, боланинг тишида кейинчалик сариқ доғлар пайдо бўлади ва секин-аста емирилиб боради.

Умуман олганда, ҳомилдор аёлнинг тўғри овқатланиши, мутахассислар билан маслаҳатлашиб, керакли пайтда зарур муолажаларни олиб туриши боланинг ҳар тарафлама соғлом туғилишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳомилдорлик вақтида аёл ўзига ва туғилажак фарзанди саломатлиғига қанчалик эътибор билан қараса, кейинчалик келиб чиқиши мумкин бўлган хасталикларнинг олдини олишга эришади.

ЭЛЁР.

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ
ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА
ОШИРИЛМОҚДА

Бугун маҳалла тизими фаолиятини янада такомиллаштириш, иш самарадорлигини ошириш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Фуқаролар йиғинларининг аҳоли муаммоларини аниқлаш ва уларга ҳудудий секторлар ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда атрофлича ечим топиш бўйича давлатимиз томонидан барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сонли Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилгани, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва бу борада аниқ манзилли иш ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларга янгича мазмун бахш этди.

Давлатимиз Раҳбари томонидан соҳага доир ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, амалдаги мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш ва бу орқали тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида 24 та қонун ҳужжати, шу жумладан 6 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та Фармони ва Қарори, Ҳукуматнинг 14 та қарори лойиҳалари ишлаб чиқилгани, 11 та қонун ҳужжати (2 та қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори) қабул қилинган.

Шунингдек, халқ билан мулоқот қилиш, бу орқали аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларининг бири эканини, вазирликнинг 1146 Ишонч телефони ишга туширилганида кўриш мумкин.

Бу эса маҳалла тизими фаолиятини янада такомиллаштириш, айниқса, хотин-қизлар ва оила масалаларига оид муаммоларни тезкорлик билан аниқлаш ҳамда уларга ечим топишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Жумладан Косон туманидаги Мудин МФЙ ходимлари маҳалла аҳолисига сифатли хизмат қилиб келмоқда. Ушбу маҳаллада 2019 йилдан буён ишлайман. Озми, кўпми маҳалла аҳолисига ёрдамим текканидан хурсандман. Маҳалла ҳудудиди 5 минг 273 нафар аҳоли, 1356 нафар оилалар мавжуд. Бу кўрсаткич йилдан йилга ўсишда давом этмоқда.

Пандемия даврида аҳолининг кўпчилиги иқтисодий қийинчиликка дуч келиши. Шу сабабдан "Темир дафтар" ташкил этилиб, боқувчисини йўқотганлар, ногоронлиги бор шахслар ҳамда эҳтиёжман оилаларга пул маблағлари ва озиқ-овқатлар берилди. Жумладан, пандемия даврида 8 та оиллага озиқ-овқат, 9 нафарига одам боши 250.000 минг сўмдан пул маблағлари тарқатилди. 38 нафар аҳоли "Темир дафтар"га киритилди.

Халқ бошига тушган оғир дамларда маҳалламиз тadbиркорлари ва ишбилармонлари четда қараб туришмади. Хусусан, Дилбар Жўраева, Ахрорхон Қамбаров, Отабек Шодиевлар томонидан "Вақф" хайрия фондидан 10 нафар оиллага озиқ-овқат махсулотлари хайрия қилинди. Кўрсатилган ёрдамлар натижасида 32 нафар фуқаро "Темир дафтар"дан чиқарилиди. Маҳаллада аҳолини тadbиркорликка ўргатиш яхши натижалар бермоқда. Аҳоли қатламнинг кўпчилиги қорвачилик ҳамда деҳқончилик билан шуғуланишмоқда.

Маҳалла аҳолисини қийинетган муаммолар биргаллик бартараф этилмоқда. Жумладан, 2021 йилда ҳудудда 2 та трансформатор ўрнатилди. Ички йўлнинг таъмирталаб 5 километрга тош тўкилди. Мудин қабристонига девор тортилди. Шунингдек, 150 ўринли боғча, 4 километр пидебалар йўлакчаси қурилиши режага киритилган.

Бирликда, аҳолида гап кўп эканини билган маҳалла фаоллари ва аҳоли ҳар бир ишни бамаслаҳат амалга оширишмоқда. Бу эса муаммоларга ечимтопишни оsonлаштирмоқда.

Юлдош ЭРҒАШОВ,
Косон туманидаги Мудин маҳалла фуқаролар йиғини раиси

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
АҲОЛИ СОҒЛИҒИНИ
МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Республикада охириги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оmmаллаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тренерлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурати мавжуд.

Ғузур туманидаги Болалар-ўсмирлар спорт мактаби ҳам худди шу мақсадга хизмат қилаёпти. Ушбу спорт мактаби 2016 йилдан фаолиятини

бошлаган. Муассасада спорт усталари кўп. Жумладан, мактаб директори Баҳодир Аҳмедов 2003 йилда профессионал футболдан болалар спортига кириб келган. У 6 та халқаро тоифадаги спорт устаси ютуғига эришган. Айни кунда муассасада 1 минг 591 нафар ўғил-қизга 12 та спорт тури - кўра бокс, кураш, таэквондо, енгил атлетика, бадий гимнастика, каратэ, дзюдо, волейбол, шахмат, қўл тўпи ва бошқа спорт турларидан 43 нафар тренер ўқитувчилар сабоқ бериб келмоқда.

Эришилаётган ютуқлар ҳам салмоқли. Жумладан, 2020 йилда ўқувчилар каратэ спорт туридан 18 та олтин медални кўлга киритишди. Республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда 63 нафар ўқувчи фахрли ўринларни эгаллашди. Шунингдек, Хусния Сафарова гандбол спорт туридан 2-тоифали дипломини, Дониёр Шералиев каратэ бўйича 1-ўрин, Бекжон Тожиев, Сабринабону Мусурмонова, Машхурбек Олимов таэквондо ва бокс спорт туридан фахрли ўринларга лойиқ топилди.

Ғароғат

Назм гулшани



Гулистон Исмоилова, Яккабоғ туманида туғилган. 54 мактабнинг 8-синф ўқувчиси. Мактабда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, бўш вақтларида шеърлар, ҳикоялар ёзади. Она тили ва адабиёти, чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқиши баланд.

МЕХРИБОНИМ ОНАЖОН

Дунё меҳри мужассам,
Кулиб юрар ҳар қачон,
Фарзандини уйлаган,
Кеча, кундуз тинмаган.
Меҳрибоним онажон

Жаранглаган алласи
Дилларга берар ором
Фарзандини тинчини
Фақат Аллоҳдан сўрар
Меҳрибоним онажон.

Олам бордир сиз билан,
Алла бордир сиз билан,
Тишларин ювиб, ҳар он,
Борлик бордир сиз билан,
Меҳрибоним онажон.

СОҒЛОМ БОЛА

Турибоқ ҳар кун эрта,
Юз қўлин ювиб шартта,
Соғломликка интилар,
Соғлом бола, бой бола.

Спортни қанда қилмас,
Ёмонлиқни ҳеч билмас,
Тишларин ювиб, ҳар он,
Соғлом бола, бой бола.

Отасини ҳурматин
Онасини иззатини,
Қилар доим хизматин,
Соғлом бола, бой бола.

Кўчаларда юрганда,
Салом бериб турганда,
Одоби жуда ширин
Соғлом бола, бой бола.

Китобни севиб ўқир
Шеърларни ажиб ўқир.
Ҳар тарафла хунарли
Соғлом бола, бой бола.

Тозалик ва одобни
Қилмас доим қанда
Иш юришар ҳар онда
Соғлом бола, бой бола.

Гулистон ИСМОИЛОВА,

Саодат Гофурова Касби туманидаги 35-мактабнинг 10-Б синфда ўқийди. У адабиёт, шеърят шайдоси. Ёзган шеърлари вилоят, туман ва шаҳар миқёсидаги газеталарда чоп этилган. Мактабдаги ўқишларидан вақт орттириб, шеърлар ёзади.



Ўзбекистон

Бошинг силаб, болаларим, дилбандим деб,
Бағрин очар келажакнинг гамини еб,
Фаҳр этар дунёларга фарзандим, деб,
Бизга жаннат - кимга армон, Ўзбекистон.

Тан олганда бутун дунё ўғил-қизин,
Ҳар соҳада ёруғ қилар миллат юзин,
Ота-она қўллаб турар босган изин,
Бизга жаннат - кимга армон, Ўзбекистон.

Ер шарини лол қолдирган боболарим,
Навоий-у, Берунийдек даҳоларим,
Жалолиддин, Темурибеклар таңқошларим,
Бизга жаннат - кимга армон, Ўзбекистон.

Фахрланиш туйғусидан бағрингда нур,
Фарзандларим тарк этмағай миллий ғурур,
Хурлик тоғи чўққисидан ўзбек мағрур,
Бизга жаннат - кимга армон, Ўзбекистон.

Саодат ГОФУРОВА

АҲОЛИ РЎЙХАТГА ОЛИШНАДИ

Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги №710-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ижроси юзасидан жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан маҳаллаларда шакллантирилган ҳарита ўрганишлари, хариталар ҳамда схематик режаларни қайта кўриб чиқиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Аҳолини рўйхатга олиш - мамлакатимизнинг бутун ҳудудда ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демография ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгилловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади.

Аниқ белгилаб қўйилган ягона ҳисобга олиш даврида аҳолининг жинси, ёши, оилвий аҳоли, маълумоти, ҳаёт даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бўйича ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумотлар олишнинг ягона манбаи бўлиб хизмат қилади.

Республикамизда демографик жараёнларнинг ҳолатини ўрганишда мамлакат ҳудудда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудда дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йилда ўтказилган бўлиб, ушбу рўйхат маълумотлари XIX аср охирида Ўзбекистонда мавжуд оилалар сони, аҳоли сони, ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берган. Ўзбекистон ҳудудда кейинчалик 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган.

Ойбек ТОШМАТОВ,
Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси "Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими биринчи тоифа мутахассиси

ФХДЁ органларида қандай ўзгаришлар қилинди?

ФХДЁ идораларининг давлат хизматлари агентлиги тасарруфига ўтказилиши тизим ходимларига ва аҳолига қандай қулайликлар бермоқда?

Хизматларни кўрсатиш қулай, тез ва шаффоф бўлади, чунки республика бўйича шу соҳага тегишли маълумотлар олиш керак бўлган барча вазирлик, идора ва муассасалар билан улашиш имкониятига эга бўлган тизим яратилган.

Электрон ва онлайн қабуллар ташкил этилгани ва ФХДЁ бўлимида мавжуд қўп турдаги аризалар ҳодим томонидан электрон равишда тўлдирилиши ва фақат фуқаро танишиб чиқиб имзо қўйиши сабабли фуқароларнинг қўтиш учун кетган вақти кескин қисқаради (дилғари ярим, хаттоки бир кун ўтириб қабулга киролмасдан кетиш ҳоллари бўлган).

Бунда туғилганлик, никоҳ тузилганлиги ва бошқа турдаги гербли гувоҳномаларни

электрон равишда тўлдирилади, барча турдаги далолатнома ёзувлари электрон равишда "ФХДЁ Ягона электрон архиви" ахборот тизимига киритилади.

Республикадаги ФХДЁ бўлимлари, вилоят ФХДЁ архивларидан туғилганлиги қайд этилмаганлиги, никоҳда турмаслиги ҳақидаги маълумотларни (71-шакл дейилади) экстерриториал тартибда Давлат хизматлари марказлари орқали олиниши тартиб билан белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, тўловлар билнинг инвойс орқали тўланиши сабабли ўзоқда жойлашган банк ёки кассага бориш учун вақт сарflanмайдди. Электрон тизим йўлга қўйилгани сабабли тиббиёт муассасалари билан, туғруқхонада бола туғилиши билан электрон равишда ФХДЁ бўлимига она ва бола ҳақидаги маълумотлар етиб келиши йўлга қўйилган. Шу жумладан, вафот

этган шахсларнинг ҳам ўлим ҳақидаги тиббий маълумотлари тиббиёт муассасалари томонидан электрон равишда юбориш жорий қилинди.

Юқорида айтилганидек, соҳадаги қўп йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб, самарали электрон тизим яратилгани сабабли фуқаролар ўзига ва ақинларига тегишли бўлган ҳужжатларни излаши учун бир неча жойга бориб бир кун хаттоки йиллар давомида югуришига барҳам берилди. Шунингдек, аҳолининг асабига тегадиган керасиз қўғозбозлик қамайдди, вақт тежаллишига шароит яратилди.

Шунингдек, фақатгина тизим орқали ишлаш билан чекланмасдан, никоҳни бекор қилиш мақсадида мурожаат қилган ёшлар оилаларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда оилани сақлаш, мазкур оила ашайдиган маҳалларни ушбу оила никоҳни бе-

кор қилиш масаласида мурожаат қилгани ҳақида оғохлантириш, оила аъзолари билан суҳбатлар ўтказиш тартиблари жорий қилинди. Бу эса ўз навбатида оилалар билан уларнинг муаммоларини никоҳни бекор қилмасдан ҳал этиш имкониятини ёшларга кўрсатиб бериш учун замин яратди.

Айни кунда мен фаолият юритаётган Қамаш туман ФХДЁ бўлимида ўтган 2020 йил давомида 2 минг 734 та оила вужудга келган. Ақрим учун 70 дан ортиқ ариза топширилган. Уларнинг 70 фоизи яраштиришга эришилди. Шунингдек, 7 минг 709 та туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома берилди. Соҳада яратилган қулайликлар ҳам аҳолига, ҳам ФХДЁ ходимлари ишини оsonлаштирди.

Санобар АЛИМАРДОНОВА,
Қамаш туман ФХДЁ бўлими мудираси

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУҲИМ ВАЗИФА

Инсоният тараққиётнинг янги-янги чўққиларини забт этмоқда. Бироқ жаҳонда халқлар, миллатлар келажигига таҳдид туғдирувчи бир қанча омиллар ҳамон сақланиб келмоқда.

Судланувчи Х.Р. (Шахсларнинг исм-фамилияси ўзгартрилди.) гаразгуйлик ва бошқа наст ниятларда қўшмачилик қилиш мақсадида, 2020 йил 21 ноябрь кuni соат 14:00да яшаш уйи яъни Қарши шаҳри Батош МФИдаги хонадонда, Қарши шаҳри, Мағзон МФИда яшовчи Ж.Х. Қарши тумани, Қоратепа қишлоғида яшовчи Р.К. қизини жинсий алоқа қилишлари учун қўлай шароит яратиб бериб, ушбу хизмати эвазига фуқаро Ж.Х.дан 100.000 сўм пулларни олганлиги Қарши шаҳар 2-сонли ИИБ ходимлари томонидан аниқланиб, Х.Р.дан жами 100.000 сўм пуллар тегишли тартибда расмийлаштирилиб олинган.

Х.Р. ўзининг ушбу жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 131-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни қасдан содир этган.

Судланувчи Х.Р. судда айбига тўлиқ иқроорлик билдириб, енгиллик беришни сўради.

Суд, судланувчи Х.Р.га нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини эътиборга олиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб, фарзали ниятларда жиноят содир этганини (ЖК 56-моддаси), жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, аёл киши эканлигини, қарамогида тўрт нафар фарзанди бўлиб, уларнинг ёлғиз боқувчиси эканлигини (ЖК 55-моддаси) инобатга олиб, ЖК 131-моддасининг 1-қисми билан жазо санкциясида кўрсатилган мажбурий жамоат ишлари эҳтисоси тайинлашни, жазони ижро этишни Қарши шаҳар ИИО ФМБ пробация гуруҳи зиммасига юклатишни, унинг муносиб ҳуққатворда бўлиш ҳақидаги тилхати эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни, ашёвий далил деб топилган Қашқадарё вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамида сақланаётган Х.Р.дан ҳужжатлаштириб олинган 100.000 сўм пулларни жиноят предмети сифатида давлат фойдасига ўтказишни лозим топди.

Нодирбек ИШМУРАДОВ,
Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди судьяси

ХАЛҚ АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН РОЗИМИ

Адлия тизимидаги барча идоралар иш фаолияти "Очик адлия" тамойилига асосланганлиги, соҳада шаффоф ва ошқоралиқни таъминлангани, очик ва онлайн мулоқотлар имконияти яратилгани, уйма-уй ва манзилли тарғиботларга қатъа аҳамият қаратилгани, фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқотнинг ўрнатилгани адлия органларига бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Ўтган 2020 йил давомида Яккабоғ туман адлия бўлими томонидан давлат органлари ва ташкилотларнинг туман тузилмаларида ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан 90 дан ортиқ таҳлил ва ўрганишлар ўтказилиб, 10 миңдан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолати бўйича жами 124 та қўғирчилик қилиниб, 1 млрд 400 миллион сўм маблағ ўндирилди. 29 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, 19 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, 550 дан ортиқ юридик шахслар қонун бузилишига йўл қўймаслик хусусида оғохлантирилди. Ноқонуний қабул қилинган 5 та қарор бекор қилинди.

Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан тасдиқланган "Йўл харитаси" ва бошқа режа-давдаларга асосан 1000 дан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Хусусан, 2020 йилнинг 12 ойи давомида бўлимга жинсий ва юридик шахс вакилларидан жами 279 та мурожаат келиб тушган, шундан 210 таси ёки 75,5 фоизи қаноатлантирилди. 2020 йил давомида 36 нафар фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан судларга жами 1 миллилард 231 миллион сўмлик даъво аризалари киритилди.

Хусусан, Ҳўжаилғор МФИда яшовчи фуқаро У.Ийтиевнинг бўлимга қилган мурожаатида ҳужжатлари архивга топширилмаганлиги сабабли 24 йиллик иш стажлари инобатга олинмаётганлигини айтган. Фуқаро манфаатини қўлаб Яккабоғ туман маъмурий судига ариза киритилди, фуқаронинг қонуний манфаатлари тинчланди.

Бўлим томонидан амалга ошириб келинаётган бу каби ишлар аҳолининг адлия органларига фаолиятдан розилигини, тизимига бўлган ишончини оширмоқда.

Мақсуд Юсупов,
Яккабоғ туман Адлия бўлими бош маъмури

Ижодий директор: Мухаммадали МАМАДАЛИЕВ	Бош муҳаррир: Зулайхо НОСИРОВА	Саҳифаловчи: Зафар МАХСАТОВ
Ижтимоий-оммабон, реклама-ахборот нашр Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Қашқадарё вилоят бошқармаси томонидан 14-110-рақам билан 15.05.2018 йилда рўйхатга олинган.	Манзилимиз: Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ қўчаси 22-уй. http://qashqadaryopress.uz e-mail: teleradiokanal@gmail.ru Телефон: +99875 227-50-04, 227-73-25 Факс: +99875 227-60-90 ОБУНА ва СОТУВ БЎЛИМИ ТЕЛ: 99890 517-50-05. Сотувда эркин нархда. Газета «Photo Express» ИЧКИда офсет усулида 150 дана чоп этилди. БЎСМАХОНА МАНЗИЛИ: Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ қўчаси, 22-уй. Газета «Qashqadaryo ko'zusi OAV» МЧЖ матбаа бўлимида саҳифаланди. Қоғоз бичими А3. Шартли 2 босма табоқ. Буяртма:	16+
Муассис: «Qashqadaryo teleradiokanal» МЧЖ	Нашр обуна индекси—4083.	Топширилди:19.00. Босишга топшириш вақти:21.30.

Жараён

ЕР ҲИСОБИ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИНИ ЮРИТИШ ТИЗИМИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўтган 2020 йилда Президентимиз мамлакатимиз ҳаётига доир яна бир муҳим ҳужжатни имзолади. "Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон ўз вақтида қабул қилингани билан катта аҳамиятга эгадир.

Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, кар-

давлат кадастрларини юритиш соҳасида ваколатли давлат органи ҳисобланади. Қолаверса, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳамда давлат кадастрларини юритиш тартибининг бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқади.

Яна ҳам муҳим бир жиҳат борки, бу ҳақда алоҳида айтиб ўтиш айна муддаодир. Ушбу фармонга асосан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради.

Фармонда яна бир муҳим масала ечими кўрсатиб ўтилгани катта амалий

аҳамиятга эгадир. Яъни, 2021 йил 1 январдан бошлаб ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари ҳақидаги барча маълумотлар Кадастр агентлигининг онлайн геопорталига киритилади.

Онлайн геопортал эса Миллий геобахборот тизимига интеграция қилиниши белгиланган. Ўз навбатида, ер баланси ва унинг ҳисоботи, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари фақат Миллий геобахборот тизимида юритилиши кўзда тутилган.

Фармонда белгилаб қўйилганидек, Кадастр агентлиги 2020 йил 1 ноябрга қадар онлайн геопортални синов тариқасида ишга тушириши ва 1 декабрга қадар барча қишлоқ хўжалиги хариталарининг онлайн геопорталга киритилиши ҳамда унинг Миллий геобахборот тизимига интеграция қилинишини таъминлайди.

Дарвоқе, Президентимиз фармони билан бирга "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам қабул қилинди.



тография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ташкил этилди.

Агентлик кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия ва картография ҳамда



кни рўйхатдан ўтказиш ҳақида ариза билан мурожаат қилиш, филиалнинг битта ходими тайёрлаган йиғмажилдни унинг иккинчи ходими текшириб қабул қилишига барҳам берилади.

Энди давлат кадастрлари палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари фақат регистрация билан, олинган маълумотлар асосида давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш билан, ўзлари тўплаган маълумотларни ваколатлари органлардан олган ахборотлар билан бирлаштириб, Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш билан шуғулланади.

Кўчмас мулкка кадастр йиғмажилдини тайёрлаш, шу мақсадда уни техник инвентаризациядан ўтказиш вазифасини эса давлат ташкилотларидан тадбиркорлик субъектларига ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Тез орада тадбиркорларга ушбу ишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳам қабул қилиниши мумкин.

Унгача Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари бу вазифани бажариб туради. Бозор ўз эгаларига топширилган бу филиаллар ҳам босқичма-босқич тугатилади ва фақат олис, бориш қийин бўлган ҳудудларда қолдирилади, дейилган Давргеодезкадастр ахборот хизмати берган хабарда.

Эндиликда Давлат кадастрлари палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари фақат регистрация билан регистрация оққали олган маълумотлари асосида давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш билан, ўзлари тўплаган маълумотларни ваколатлари органлардан олган ахборотлар билан бирлаштириб, Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш билан шуғулланади.

Яккабоғ туманида ҳозирги кунда 60 та маҳалла мавжуд бор. Туман ҳудудида 52 минг 569 бино бўлиб, уларнинг умумий майдони 8013,9 га. га тенг. Ҳозирги кунда Кадастр агентлиги, Давлат кадастрлари палатаси Қашқадарё вилоят бошқармасининг Яккабоғ тумани бўлимида хатлов жараёнлари амалга оширилмоқда. Ўтказилган хатловдан сўнг 631 объект аниқланди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бундан буён ерларни ажратиш, уларнинг ҳисобини юритиш, ер назоратини амалга ошириш бўйича муаммолар бўлмайди. Зеро, Президентимиз томонидан имзоланган мазкур ҳужжатлар ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади.

Гулзода ШОДМОНОВА

